



Яна нима колди экан? Шошганимдан хаёлимни бир жойга тўплай олмайман. Яна нимани олмадим? Хаммасини олдим шекилли. Яшаб турганимда буларнинг кўпи кераксиздек ивирсиб ётарди. Одамнинг уйида ўзига керак бўлмаган лаш-лушлар тикилиб ётади-я, ўзи тор жой, маош ҳам ойга учма-уч, яна шунча нарсани олаверган эканман-да, а, деб кўп хуноб бўлганман. Энди эса яшаб турганимда кераксиз туюлган хамма нарсалар кераклига ўхшаб, бир кунингга ярайман хали, деб тилсиз имо килаётганга ўхшайди. Хатто товони босилиб, ховличада оёкка илиб судрашдан бошкага ярамайдиган эски бошмогим ҳам, шунча хизмат килиб, энди чикитга чикдимми, олиб кет, ярарман бир кунингга, деб аразлаётганга ўхшайди. Бошмогимга караб, янги олган пайтларим эсимга тушади. Хозир ранги билинмайди, лекин янгилигида яркираб турарди, икки соат навбат туриб, зўрга етган эдим. Импорт, югославияники, кийганимда хамманинг хаваси келган, кошикдек, бежирим эди! Кийганимда жиччагина тор келувди, навбатдагилар шовкин кўтарганидан кейин, шартта пулини тўладим. Кейин ўн беш кунча оёгимни сикиб азоб берди, лекин кейин ўзи уч йилга чидади. Охири товонини босиб ховлида судрайдиган килдим. Шунда ҳам хозиргача бутун, асфальтда шунча юриб, хатто пошнасининг накшлари ҳам ейилмаган. Кани хозир бунака бошмоқлар! Мунгайтириб ташлаб кетавераман-да энди, бечора бошмоқ менинг бечоралигимдан бир ёдгор бўлиб колаверадими?

Зарур тошнинг огирлиги йўк деб, хамма нарсани йигнагумча терлаб кетдим. Ташкарида эса худди биров бўл-бўл, бўлсанг-чи, деб шошираётгандек.

Токчада факат тўзиб, найкоғоз пиллалари чикиб кетган калпогим колди. Калпоклиги ҳам колмаган. Ўзи ҳам отам замонида тикилганга ўхшайди, ранги билинмай кетган. Качон кийганим ҳам эсимда йўк. Кийган бўлсам ҳам ўша пайтлари бирон лозиматга киймаган бўлсам, бошка умуман киймаганман. Уни ҳам ўзим олмаганман, онам одамнинг ёнида калпоги албатта бўлиши керак, ўзбек калпоксиз бўлмайди, деб чамадонимга солиб кўйганлар. Янги эди, янгилигида меники эди, качон бунча эскирган экан, чамадонга кириб-чикавериб, токчада туравериб бировникига ўхшаб колган.

Йигирма йиллар бўлди-ёв. Сочимни ўстириб юришимга канча бўлди? Онам: “Сочингни калтартириб, мундай ўзбекка ўхшаб калпок кийсанг бўлмайдимми, болам? Ўгил бола ҳам елкасига тушириб соч кўядими?” деб качон айтган эдилар? Саид уйланганда куёвжўра бўлиб борган эдим, кишлокнинг болалари “Вуй, манови кишининг сочини!”, деб оркамдан дув эргашган, чимилдикка Саидни олиб кираётганимизда, уларнинг “кампир ўлди” деган одати бор экан, бир кампир остонага ётиб олди, энди шунга уч сўмми, беш сўмми берсак, у ётган жойидан тирилиб туриб, куёв билан унинг жўраларини ўтказиб юборар экан, ётиб олган эди, мен “Босиб ўтиб кетаверамиз, қари кампир экан, э-э, ўлса ўлибди-да”, деб хазиллашсам, бошини мундай буриб менга каради, сочимга кўзи тушиб, “Вой, бу

одамёввойи ростдан босиб кетади!" деб сакраб туриб кетган эди. Сочимни сартарошга олдирмас эдим. Ойнага караб, катта кайчи билан учини ўзим кайчилаб кўярдим, холос. Кўп бўлди бунга, ўша махаллардаги калпок-да, бечора жуда адо бўлибди. Калпок бўлиб калпоклиги ҳам колмабди. Кийиб кўришга ҳам кўнгил бўлмайди. Токчанинг чангида ётаверганидан унникиб, ранг жонивор ҳам колмаган, титилган калпокни бошга кўндириб ҳам бўлмайди. Сал тахи очилиб турибди, ичига майда-чуйда хашаротлар ҳам ин кўйганди... , масалан, майда тортанаклар. Минг йиллик калпок - дўппи, такая, каллапўш якинда синч деворнинг орасидан топиб олдик, деб бемалол музейга бериш мумкин. Ўзимники-ку, хар холда, бошнинг буюми, ташлаб кетсам, яхши эмас, деб олиб кетсам, каерга кўяман бу эски матахни? Йўк, биров кўрса, ўл-э бу кунингдан, шу калпокни ҳам асраб юрибсанми, калпок топилмас матах эмас-к... , уч сўмга янгисини беради, ёмон курумсоксан-эй, деб уялтириши мумкин

Шошиляпман, машина кира килганман, шопири, бемалол йигиштираверинг, мен кабинада ухлаб оламан, деган бўлса ҳам ичим ховликяпти. Хамма нарсани йигиштирдим, хатто эски бошмогимни ҳам олдим, билинтирмай чикиндихонага чиқариб ташларман. Лекин калпокни олмадим, уни чикиндихонага ташлашга кўнглим бўлмади - бошнинг буюми. Кандок турган бўлса, шундок турсин, оромини бузмай, балки бу ҳам бир кексадек, кариб-чуриб, эси кирарли- чиқарли бўлиб колгандир, ташлаб кетганимни билмай кўяколсин, дедим.

Нарсаларимни елкалаб чикиб кетдим, калпокка карамадим, кўнглим бўлмади. Ха-йэ, бир эски калпок-да, шуни калпок деб кийиб юрмайман-ку, барибир, киймаганимдан кейин нима ҳам калпоклиги колади, ўзи жуда кўски-ягир калпок-да, деб ўзимга таскин бердим. Калпок эса токчада тахлоглигича, худди уруш вакти аскарлардан келадиган учбурчак хатга ўхшаб колаверди.

Янги ижарамга келдим, йўлда келаётганимда бошим яланглиги билинди, худди ўша калпокни доим кийиб юргандек, энди бошланг колгандек, бошка энди калпок бўлмайдигандек. Ўзим эмас, худди бошим доимги калпогини сўраётгандек туюлади. Бўлмаса, айтдим-ку, киймаганман деб.

Нарсаларимни тушириб, сал саранжомлагандан сўнг тин олгани ўтирган эдим, яна эски ижарамда колган калпок эсимга келди. Шунча соч билан бошимга салкин теккандек бўлди, бўлмаса елвизак йўк, иссиқкина хонада ўтирибман. Яна шундай туюлдики, мен хали кўчиб келмагандек, бу хонада менинг ўрнимга узун соч кўйган, бошланг бир бегона йигит ўтиргандек туюлди. Эртага бозорга чикиб, бир янги дўппи оламан, деб ният килиб кўйдим. Лекин, бари бир, кўнглимнинг бир чеккаси идраб бораётгандек, еганим ичимга тушмаётган эди.

Бирдан ўша эски калпогимнинг ҳеч ким йўк, хувиллаган бир овлок хонада битта ўзи эгасиз колгани шундок кўз ўнгимга келди. Унинг тахламида шу пайтгача яшаган кунларим, болалигимдан сочимни ўстириб юргунча ўтган хамма кунларим катланиб колгандек, нафакат ўтган йиллар, балки энди яшайдиган узун умримнинг йиллари ҳам ўша калпокка тахлангандек, калпокка кўшиб уларни ҳам ташлаб келгандек, бундан кейин келажакимни кўролмай, бир гумрохдек яшаб юришимга тўгри келадиганга ҳам ўхшаб колди. Ким билади, онам шунинг учун ҳам "Бош кийимингни ҳеч ерда колдирма!", деб тайинлаган эканларми? Нега бош кийимнинг бошкаси бунча азиз эмас, шапка эскирса, ё телпакни куяга олдириб кўйсангиз, унга эмас, пулингизга ачинасиз-у, ташлаб юбораверасиз, калпокни ташламайсиз. Бўлмаса, ўкиган одамларнинг калпок киймай кўйганига кўп бўлган, ҳам деса калпокка эскилик саркити деб каралади, унга хатто

сиёсий тус ҳам берадилар. Юкоридагилар унча хуш кўрмайди, урфдан чикиб колган, лекин, бари бир, ҳамма ўзбекнинг ҳеч бўлмаса битта калпоги уйида туради. Нега ташлаб келдим ўзи, огирлиги тушгани йўк эди-ку, коғозга ўраб чамадонга ташлаб кўйсам ҳам бўларди-ку, мендан ош-нон сўрагани йўк эди...

Янги ижарамда ич-этимни еб ўтирибман-у, лекин худди эскиси - энди кераксиз нарсаларнинг ҳаммаси олиб кетилган, факат тоқчасида битта энг керакли нарса - калпок турган хонада унга караб ўтиргандекман. Хаммаси кўз олдим-да, шифтини тортанак босган хона, бўм-бўш, мену тоқчадаги калпок! Кетмаганман, тахи сал очилган калпокка караб ўтирибман.

Хали кўчиб кетмаганман!